



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 2 апрель, № 69 (8131)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЗАРБАЙЖОН ПАРЛАМЕНТИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 апрель куни мамлакатимизда ташриф бўлиб турган Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси Соҳиба Гафаровани қабул қилди.



Парламент раҳбари Ўзбекистон етакчисига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг саломини ва энг эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда умумий тарихий илдизлар, ягона дин, муштарак тил, маданият, аяна ва қадриятлар мамлакатларимиз стратегик шериклигининг асоси бўлиб хизмат қилаётгани қайд

этилди. Ушбу мустақкам пойдеворга таянган ҳолда кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда сезиларли натижаларга эришилди.

Ҳамкорликнинг барча соҳаларида — иқтисодиёт, сиёсат, парламентларо алоқалар, маданият ва иқтисодий соҳада муваффақиятларга эришилмоқда. Барча даражаларда фаол

мулоқотлар, расмий делегациялар, бизнес ва жамоатчилик вакилларининг ўзаро ташрифлари давом эттирилмоқда.

Кейинги йилларда, пандемияга қарамай, товар айирбошлаш 4 қарра ошди. Жорий йил бошидан савдо 25 фоизга кўпайган. Икки юздан ортқ қўшма корхоналар ташкил этилган.

Ўзбекистон ва Озарбайжон парламентлари



ўртасида яқин ва кўп қиррали шериклик йўлга қўйилгани ҳам ушбу ижобий натижаларга хизмат қилди. Бунини янада ривожлантириш учун икки мамлакат қонун чикарувчи органларининг тизимли ва самарали алоқаларини мустақкамлаш зарур.

Айни пайтда парламентлар Ўзбекистон ва Озарбайжон халқларининг бевосита вакиллари сифати-

да “халқ дипломатиясини” илгару суриш, шу жумладан, ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни мустақкамлаш, иқтисодий ва гуманитар лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутишлари керак.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

### СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 1 апрель куни ёшлар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун кенг шароитлар яратилмоқда. Жумладан, сўнгги уч йилда 118 та спорт мажмуаси, маҳаллаларда 7 мингта спорт майдончаси фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда 3 минг 500 та минифутбол, 6 мингта баскетбол, волейбол, 663 та бадминтон майдони, мингдан ортқ фитнес заллари мавжуд. Ҳар бир туман ва шаҳар марказларида “Саломатлик йўлаклари” ва велосипед йўллари ташкил этилди.

Тараққиёт стратегиямизда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланганидан аҳоли сонини кейинги беш йилда 33 фоизга етказиш мақсади белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги Фармони ва қарорига биноан, Спортни ривожлантириш вазирлиги ташкил этилган эди. Унинг энг муҳим вазифаларидан бири болалар ва ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришдир.

Йиғилишда шу йўналишдаги режалар тақдимот қилинди.

Спортни ривожлантириш вазирлигига маҳаллалардаги ёшлар етакчилари билан бирга йил давомида 6 миллион нафар ўғил-қизни оммавий спорт тадбирларига қамраб олиш вазифаси қўйилди.

Бунинг учун 10 апрелдан бошлаб, маҳалла, туман, вилоят ва республика босқичларидан иборат оммавий спорт тадбирлари ўтказилади. Уларни ташкил этиш учун “Ёшлар дафтари” жамғармасидан ҳар бир вилоятга 100 миллион

сўмгача, голиб ва совриндорларни тақдирлаш учун 1 миллиард сўмгача маблағ ажратилади. Энг яхши натижа кўрсатган ёшлар туман ва шаҳар, вилоят ҳамда миллий терма жамоалар таркибига саралаб олинади.

Маҳаллаларда спорт инфратузилмасини яхшилаш, лойиҳалар қийматини макбуллаштириб, майдончалар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Оммавий спорт тадбирларида ёшларнинг иштироки бўйича маҳаллалар рейтингини ишлаб чиқиш, “коникорсиз” деб топилган жойларга таниқли мураббий ва спортчиларни бириктириб, спортни ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Олимпия ва паралимпия ўйинлари, халқаро мусобақалар голиблари билан маҳалла ёшлари ўртасида мотивацион учрашувлар ўтказиш муҳимлиги айtilди.

Шуларни инobatга олган ҳолда, оммавий спортни янада ривожлантириш, жорий йил Ханжжоуда ўтадиган Осиё ўйинларига пухта тайёргарлик кўриш, спорт мураббийлари тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қарорлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Маълумки, шу йил 14 март куни бокс бўйича Баҳодир Жалолов, гимнастика бўйича Оксана Чусовитина спорт маҳорати мактабларини ташкил этишга доир Президент қарорлари қабул қилинган эди. Йиғилишда шу борада амалга оширилган ишлар ҳам тақдимот қилинди.

Ў.А.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Навоий вилоятида юқори малакали, чуқур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўша оладиган, меҳнат бозорига ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш

концепциясида белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш мақсадида: 1. Навоий давлат кончилиқ институти **Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети** (кейинги ўринларда — Университет) этиб қайта ташкил этилсин.

2. Университет фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин: **саноат, техника-технология, муҳандислик соҳалари** учун олий маълумотли мутахассислар ва илмий-

педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш;

етақчи хорижий олий таълим муассасалари билан **қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш**, шунингдек, **таълим жараёнига** илгор педагогик ва масофавий таълим технологияларини, **илм-фан ва техниканинг янги ютуқларини жорий этиш**;

(Давоми 2-бетда). >>>

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ветеринария ва чорвачилик соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, Самарқанд ветеринария медицинаси институти фаолияти кўламини кенгайтириш, халқаро нуфузини ошириш, илмий тадқиқотларни тизимли олиб бориш, инновацион таълим ва технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш, таълим ва ишлаб чиқаришни узвий боғлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқ белгиланган

вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Самарқанд ветеринария медицинаси институти негизида **Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилиқ ва биотехнологиялар университети**ни (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

(Давоми 2, 3-бетларда). >>>

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА СОҲАДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган стратегик вазифаларга мувофиқ Самарқанд давлат тиббиёт институтида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, унинг институционал, ўқув-педагогик салоҳиятини кучайтириш, ўқув жараёнини халқаро стандартларга мос равишда ташкил этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, реабилитология ва спорт тиббиёти соҳасида долзарб муаммолар бўйича илмий тадқиқотларни тизимли олиб бориш, шунингдек, ҳудуд аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида:

1. Самарқанд давлат тиббиёт институтининг кузатув кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Самарқанд давлат тиббиёт институти **Самарқанд давлат тиббиёт университети** (кейинги ўринларда — Университет) этиб қайта ташкил этиш;

б) Университет таркибида қуйидагиларни ташкил этиш: Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Ўрташқ қишлоғида жойлашган Самарқанд вилояти саломатлиқни тиклаш шифохонаси негизида Самарқанд давлат тиббиёт университети хузуридаги **Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти**ни;

(Давоми 3-бетда). >>>

#### Мулоқот

### ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ ИМЗОЛАНДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси Соҳиба Гафарова билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқотда томонлар Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларининг юқори суръатини эътироф этиб, икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик руҳидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгайтириш борасида мамнуният изҳор қилдилар. Таъкидландики, мамлакатларимиз раҳбарлари

ўртасидаги очик ва ишончли муносабатлар икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда мустақкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Учрашувда Ўзбекистон ва Озарбайжон Туркий давлатлар ташкилотида фаол иштирок этаётганига ҳам алоҳида урғу берилди.

➔ 3

#### Ўзбекистон — Озарбайжон:

### ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Кейинги йилларда Ўзбекистон очик ва прагматик ташқи сиёсат юритиш, ҳамкорлар билан муносабатларни янада ривожлантириш, ташқи алоқалар географиясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратиб, иқтисодий дипломатияни кучайтирмоқда.

Мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар натижасида нафақат яқин қўшнилари-миз, балки иқтисодий жиҳатдан етакчи давлатлар билан ҳам тенг манфаатли ҳамкорлик юқори поғонага кўтарилмоқда. Олий Мажлис Кунунчилик палатаси

➔ 3



# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

замонавий ўқув ва **илмий лаборатория базасини шакллантириш**, иқтисодийёт тармоқларининг ривожланиши учун **янги ишланмаларни яратиш**, талабаларга таълим жараёнида илмий фаолият билан шуғулланиш учун шарт-шароит яратиш; **саноат ташкилотларининг муаммоларини ечишга қаратилган** илмий, амалий ва инновацион **тадқиқотларни ривожлантириш**, тадқиқот натижалари ва ишлов технологияларни амалиётга жорий этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

**таълим ва илмий изланишлар жараёнига малакали мутахассисларни жалб этиш**, республика ва етакчи хорижий олий таълим муассасалари, илмий марказлар ва ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

ўқув жараёнига **халқаро таълим стандартларини жорий этиш**, талабалар назарий билимларининг ишлаб чиқариш амалиёти билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича мақсадли ҳамкорлиқни йўлга қўйиш;

**талабаларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш**, Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик, касбга садоқат хиссини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёни ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш;

ўқув жараёнини **талабаларга муस्ताқил таълим олиш**, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан, **тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш**;

**илмий-педагогик салоҳиятни ошириб бориш**, жумладан, профессор-ўқитувчилар стажировкаси ва малака оширишини нуфузли республика ва хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот марказларида ташкил этиш.

3. Университет ҳузурида қуйидагилар ташкил этилсин:

а) Навоий давлат кончилиқ институтининг Нукус филиали негизида — **Нукус кончилиқ институти**;

б) **“Навоий” илмий-технология саноат парки**;

в) 2022/2023 ўқув йилида:

Навоий давлат педагогика институти ҳузуридаги Кармана хизмат кўрсатиш ва сервис техникуми негизида — **Кармана политика техникуми**;

“Узсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси тизимидаги Нурота саноат-кончилиқ коллежи негизида — **Ҳозгон политехника техникуми**.

Навоий давлат кончилиқ институти ҳузуридаги **Ўқудук саноат техникуми** ва **Зарафшон саноат техникуми** Университет ҳузурига ўтказилсин.

4. **Университет фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бошқарув кенгаши** (кейинги ўринларда — Бошқарув кенгаши) ташкил этилсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бошқарув кенгашига (Қ.С.Санақулов):

а) қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Университетнинг яқин, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган **ривожлантириш дастурини**, молиявий йил учун мўлжалланган **бизнес-режасини**, даромад ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш;

Университетда **таълим жараёнининг амалиёт билан уйғунлигини**, хусусан, талабаларнинг ўқув жараёнида олган назарий билимлари ишлаб чиқариш амалиёти билан узвий боғлиқлигини **таъминлаш**;

Фанлар академияси илмий муассасалари ва тармоқ **илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий мактабларни ривожлантириш**;

Университетнинг таълим ва тадқиқот жараёнларига **малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш**, шунингдек, етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан самарали алоқалар ўрнатиш;

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, халқаро таълим стандартларига асосланган илгор педагогик технологиялар, **ўқув дастурлари ва инновацион ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш**, ветеринария клиникиси, ўқув ва илмий лаборатория, ўқув-тажриба хўжалиги, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарида назарий билим ҳамда амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш;

илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича **узлуқли таълим тизимини яратиш**;

етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш, битирувчиларнинг республика ва хорижий олий таълим муассасаларида (илмий марказларда) **магистратура ва докторантура дастурлари бўйича тахсил олишларини ташкил этиш**;

ўқув жараёнини талабаларда муस्ताқил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш;

соҳадаги илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимларини Университетда тахсил олаётган иқтидорли талабаларга бириктирган ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш;

Университетнинг юқори босқич талабалари ҳамда илмий изланувчиларини фаолият илмий-тадқиқот институтлари лабораторияларида амалиёт юритиши учун шароит яратиш;

тасарруфдаги таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

3. Самарқанд ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Бошқарув кенгаши (кейинги ўринларда — Бошқарув кенгаши) таркиби **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Бошқарув кенгашига (Б.Норқобилов):

а) қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Университетнинг молиявий йил учун мўлжалланган бизнес-режаси, узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастури, даромад ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш;

Фанлар академияси илмий муассасалари ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий мактабларни ривожлантириш;

ветеринария ва чорвачилик йўналишида таълим, тадқиқот ва илмий ишланмалар трансфери жараёнларини ривожлантириш ҳамда илмий тадқиқот ва инновацион ишланмалар бўйича бююртмачилар билан манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш;

илмий махсулотларни тижоратлаштириш, стартаплар ва акселератор фаолиятини йўлга қўйиш;

таълим ва тадқиқот жараёнларига инвестицияларни жалб этиш,

Университетнинг илмий-тадқиқот ва **ишланмалар трансфери** жараёнларини ривожлантириш ҳамда **илмий тадқиқот ва инновацион ишланмалар бўйича бююртмачилар билан манфаатли ҳамкорлигини** ўрнатиш;

таълим ва тадқиқот жараёнларига **инвестицияларни жалб этиш**, **илмий махсулотларни тижоратлаштириш**, стартаплар ва акселератор фаолиятларини йўлга қўйиш;

б) қуйидаги ваколатлар берилсин:

таълим ва илмий тадқиқот жараёнларига жалб этилган **хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш микдорларини** бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилаш; иш берувчилар талабларини инобатга олган ҳолда, ўқув режаларидаги **назарий таълим улушини қисқартириш ҳисобига амалий машғулотлар ҳажмини ошириш**, ҳафтада бир кунлик амалиёт тажрибасини кўллаш;

Университет **ректори ва проректорларини лавозимга тайинлаш** ва лавозимидан озод этиш бўйича тақдимнома киритиш;

Университет ва унинг тасарруфдаги таълим ташкилотлари **тузилмаларини тасдиқлаш**;

Университетнинг ташкилий тузилмасига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган **янги лавозим ва таркибий бўлинмалар ҳамда кўшимча штат бирликларини** жорий этиш.

5. Белгилансинки:

Университет давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда Олий ва ўрта махсув таълим вазирлиги тизимида фаолият юритади;

Университет ва унинг ҳузуридаги Нукус кончилиқ институтига талабаларни қабул қилиш параметрлари ҳар йили тасдиқландиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат бююртмаси доирасида аниқланади;

Навоий давлат кончилиқ институти ва унинг Нукус филиали талабаларни ўқишини тегишлилиги бўйича Университет ва унинг ҳузуридаги Нукус кончилиқ институтида давом эттиради;

Университет ҳузуридаги **техникумларда саноат, кончилиқ, металлургия, машинасозлик, қурилиш, энергетика, электротехника, хизмат кўрсатиш** каби йўналишларда кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади;

Кармана хизмат кўрсатиш ва сервис техникуми ҳамда Нурота саноат-кончилиқ коллежида таълим олаётган ўқувчилар ўқишини битиргунларига қадар мазкур таълим муассасаларида амалдаги таълим дастурлари бўйича ўқишини давом эттиради;

Университет, унинг ҳузуридаги Нукус кончилиқ институти, Кармана ва Ҳозгон политехника техникумлари тегишлича Навоий давлат кончилиқ институти, унинг Нукус филиали, Кармана хизмат кўрсатиш ва сервис техникуми ҳамда Нурота саноат-кончилиқ коллежининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Куйидагилар:

**Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети фаолиятини йўлга қўйиш ва уни 2026 йилга қадар комплекс ривожлантириш дастури** 2-иловага мувофиқ;

**Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университетини 2026 йилга қадар ривожлантиришнинг максадли кўрсаткичлари** 3-иловага мувофиқ;

Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университетига ташкил этиладиган **бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати** 4-иловага мувофиқ;

Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университетининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини **амалиёт ўташ объеклари бўйича илмий-тадқиқот муассасалари, тармоқ корхоналари ва ташкилотларга бириктириш ҳадвали** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан самарали алоқаларни ўрнатиш;

б) қуйидаги ваколатлар берилсин:

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **шартнома асосида малакали мутахассислар жалб қилиш**;

Университет ҳузурида фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан ва унинг натижаларини жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган таркибий тузилмалар, тижорат ва нотижорат ташкилотларни ташкил этиш;

таълим йўналишлари ва мутахассисликлар учун **таълим давомийлиги муддатларини белгилаш**;

таълим сифатини ички назорат қилиш механизмларини белгилаш ва жорий этиш.

4. Белгилансинки:

Университет ветеринария медицинаси, ветеринария ва санитария экспертизаси, ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари, ветеринария фармацевтикаси, зооинженерия, ветеринария биотехнологияси, чорвачилик махсулотларини қайта ишлаш технологияси йўналишларида кадрлар тайёрловчи **таянч давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади**;

Университет Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тизимида фаолият юритади;

Самарқанд ветеринария медицинаси институти талабалари Университетда ўқишини давом эттиради ва битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги Университет дипломи берилади;

Университетга талабаларни қабул қилиш параметрлари ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат бююртмаси доирасида аниқланади;

Университет Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

5. Ветеринария соҳасида таълим жараёнларининг бевосита амалиёт билан уйғунлиқда ташкил этилишини, илм-фан ва технологиялар интеграциясини таъминлаш максадига Университет ҳузурида хўжалиқ ҳисобида фаолият юритувчи **Ветеринария клиникиси ва касалликлар диагностикаси технопарки** (кейинги ўринларда — Технопарк) ташкил этилсин.

Университет Технопарк таркибида қуйидаги таркибий бўлинмаларни ташкил этишни назарда тутсин:

Ветеринария лаборатория-диагностика ва профилактика-даволаш **клиникиси**;

Сунъий уруғлантириш ва наслчилик-селекция **маркази**;

чорвачилик хўжаликлари ва ахли хонадонида парвартишланаётган ҳайвонлар учун озуқа етиштириш, жамғариш ва тайёрлаш бўйича уларга амалий ёрдам кўрсатадиган **маслаҳат маркази**.

Технопаркка ветеринария лаборатория-диагностика ишларини

7. Университетга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг амалдаги рейтингида олий таълим муассасалари орасида **биринчи 1 000 таликка кирган хорижий олий таълим муассасасининг дастури асосида ўз таълим дастурларини шакллантириш**;

Университет фаолияти йўналишлари бўйича **маслаҳат ва эксперт-таҳлилий хизматларни шартнома асосида кўрсатиш**, шунингдек, тақдим этиладиган хизматларни самарали амалга ошириш учун **илмий-тадқиқот ва инновацион хизмат кўрсатувчи корхоналарни ташкил этиш**;

**таълим ва илмий-тадқиқот жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш** ҳамда уларга Бошқарув кенгаши томонидан белгиланган микдорда Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик маош ва бошқа тўловларни тўлаш;

**профессор-ўқитувчиларни** ўқув-методик, илмий тадқиқот ишлари ва “Устоз — шогирд” тизими бўйича **бажарган ишларининг натижаси бўйича рағбатлантириб бориш**.

8. Белгилансинки, Университет фаолияти Давлат бюджети маблағлар, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалиқ фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, грантлар ва Ҳомилийк қўриқлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

9. “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасасининг:

Университетда таълим жараёнининг ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш ҳамда Университет ҳузуридаги **“Навоий” илмий-технология саноат паркинн жойлаштириш** максадига “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш бирлашмаси автотаъмирлаш цехи 2-корпус **биносини жиҳозлари билан биргаликда Университетга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериш**;

ўз маблағлари ҳисобидан Университет ва унинг ҳузуридаги Нукус кончилиқ институтининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш, профессор-ўқитувчиларини моддий рағбатлантириш, шунингдек, ўқув ва илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш тўғрисидаги тақлифлари маъқулансин.

10. Навоий вилояти ҳокимлиги “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Навоийазот” АЖ, “Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖ, “Навоийуран” ДК ва худуддаги бошқа саноат корхоналари билан биргаликда:

Университетнинг бакалаврият босқичи юқори курс талабаларини ва магистрантларини **иш ҳақи тўланадиган тизим орқали банд қилиш**, жумладан, уларга амалиёт ўташ даврида ҳақ тўлаш тизимини жорий этиш;

Университет профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларига ишлаб чиқариш **корхоналарида стажировка ўташ ва илмий тадқиқотлар олиб бориш учун шароит яратиш** чораларини кўрсин.

11. Олий ва ўрта махсув таълим вазирлиги:

а) 2022/2023 ўқув йилига қадар:

Университетни танлов асосида ишлаб чиқариш ташкилотлари, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида **қаitta илмий ва (ёки) амалий тажриба орттирган мутахассислар**, устувор равишда, **илмий даражага эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдириш** чорасини кўрсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Фанлар академияси билан биргаликда Университетнинг ихтисослашган факультет ва кафедраларини мос йўналишлари бўйича давлат улушига эга **йирик хўжалиқ юритувчи субъектлар ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича “Йул харитаси”**ни тасдиқлансин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Университетни юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш ҳамда зарур телекоммуникация жиҳозлари билан таъминлаш чораларини кўрсин;

б) Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Навоийазот” АЖ, “Навоийуран” ДК билан биргаликда:

2022/2023 ўқув йилига қадар Университет ҳузуридаги “Навоий” илмий-технология **саноат паркинн замонавий лаборатория ускуналари билан жиҳозласин** ва унинг фаолиятини йўлга қўйсин;

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Университет ҳузуридаги “Навоий” илмий-технология **саноат паркида етакчи чет эл тадқиқот марказлари ва малакали хорижий олимлар иштирокида илмий тадқиқот ишларини амалга оширишни** йўлга қўйсин;

в) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда **Университетнинг илмий салоҳиятини ошириш максадига** 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб етакчи олий таълим муассасаларида тегишли магистратура мутахассисликлари ва 2023 йилдан бошлаб таянч докторантурада **кадрларни максадли тайёрлаш** чораларини кўрсин;

г) Ташки ишлар вазирлиги билан биргаликда Университетда 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан биргаликда техника йўналиши бўйича **қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни** йўлга қўйсин;

д) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Университет фаолиятини кўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтлари, донорлар ва бошқа хорижий ташкилотларнинг маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

е) ҳар йилги инвестиция дастурига киритиш учун Университет ва унинг ҳузуридаги Нукус кончилиқ институти бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишларини соҳага ажратилган лимитлар доирасида амалга ошириш юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақлифлар тақдим этиб боссин.

12. Навоий вилояти ҳокимлиги Университетга ўз фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур ер майдонларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин.

13. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ҳамда Олий ва ўрта махсув таълим вазирлигининг Нукус темир йўл транспорти коллежи биносини Университет ҳузуридаги Нукус кончилиқ институтига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериш ҳамда уни мазкур коллеж бино ва иншоотларига бепул жойлаштириш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

14. Олий ва ўрта махсув таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қрончилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсув таълим вазир А.Х.Тошқулов, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ бошқарув раиси — бош директор Қ.С.Санақулов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2022 йил 31 март

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

илмий-тадқиқот институти ҳудудида ветеринария лабораторияси, ветеринария клиникиси ва диагностика маркази, виварий, ёш олимлар учун ётоқхона ҳамда ишлаб чиқариш цехини қуриш ва жиҳозлаш учун мақсадли йўналтирсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат х



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

**ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

12. Белгилансинки, Университет фаолияти Давлат бюджети маблағлари, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳимийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

13. Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети фаолиятини **ривожлантириш жамғармаси** ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг молиявий манбалари этиб белгилансин:

Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармасининг ажратмалари;

Қорақўлчиликни ривожлантириш жамғармасининг ажратмалари; хорижий инвесторлар билан инвестиция келишувларида назарда тутилган илмий тадқиқотлар, кадрлар тайёрлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар; кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ветеринария ва чорвачилик ҳамда бошқа йўналишларда жалб этиладиган донор ташкилотларнинг грант маблағлари; қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

14. Белгилансинки, Университет Ветеринария илмий-тадқиқот институти, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, Бакиқилик илмий-тадқиқот институти ҳамда Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти билан ўзаро ҳамкорликда:

магистрларни профессор ва илмий ходимларга бириктирган ҳолда, **“фан — таълим — ишлаб чиқариш”** тамойили асосида кадрлар тайёрлашнинг кластер тизимини, шунингдек, докторантларнинг бевосита илмий-тадқиқот институтилари лабораторияларида илмий иш олиб боришини йўлга қўяди;

минтақада ветеринария, чорвачилик, биотехнология ва агротехнология соҳаларида мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан фундаментал, илмий-тадқиқот институтилари билан фундаментал, илмий-амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб боради ҳамда маҳаллий ва халқаро грант маблағларини жалб этади.

15. Бошқарув кенгаши (Б.Норқобилов):

а) икки ой муддатда:

Бошқарув кенгаши фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқласин; замонавий таълим йўналишларини инобатга олган ҳолда, Университет кафедраларининг илмий фаолиятини соҳа ва тармоқлар муаммоларининг ечимига йўналтириш мақсадида уларни қайтадан ташкил этсин;

Университет раҳбарлиги, кафедралари ва таркибий бўлинмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ҳамда юқори натижадорликка эришганларни рағбатлантириб бориш тизимини жорий қилсин;

б) ўқув жараёнига хорижий профессор-ўқитувчиларни танлов асосида жалб қилиш ва Университет профессор-ўқитувчиларининг хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида малакасини ошириш чораларини кўрсин;

в) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб ветеринария ва чорвачилик йўналишлари бўйича хорижий давлатларнинг нуфузли олийгоҳлари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари ҳамда кенг қўламли фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

16. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2022 йил 31 апрел

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА СОҲАДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Самарқанд давлат тиббиёт институтининг биринчи ва иккинчи клиникалари негизида **Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникаси** ва **Самарқанд давлат тиббиёт университети ихтисослашган болалар хирургик клиникасини** (кейинги ўринларда — Университет клиникалари);

Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Л.М.Исаев номидаги филиали ва унинг клиникаси негизида Университет ҳузуридаги Л.М.Исаев номидаги **Микробиология, вирусология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот институти ва унинг клиникасини**;

Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги **Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий марказини**;

Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги **Иммунология, алергология ва инсон геномикаси илмий марказини**.

2. Университетнинг **асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

узлуksиз тиббий-касбий таълим тизимида юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва инновацион ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, клиника ва ўқув базалари фаолиятида назарий билим ҳамда амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш;

фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ишларини тиббиёт амалиётидаги мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратиш, тиббий таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларининг узвий боғлиқлигини таъминлаш;

хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик доирасида талабалар, профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчилар академик мобиллиги дастурлари ҳамда қўшма таълим дастурларини жорий этиш ва ривожлантириш;

Университет илмий салоҳиятини мунтазам равишда ошириб бориш, профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчиларнинг нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этишларини таъминлаш;

республика ва хорижий олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари ва кадрлар бюрютмачилари билан ҳамкорликда тиббиёт соҳасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш бўйича халқаро илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва симпозиумлар ташкил этиш;

Университет моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш, симуляцион марказ, ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

Самарқанд вилояти ҳамда қўшни ҳудудлар соғлиқни сақлаш тизими эҳтиёжларини ва муаммоларини мунтазам ўрганиб бориш, уларни ваколоти доирасида бартараф этиш мақсадида соғлиқни сақлаш тизими ҳамда нодавлат хотиҳорат ташкилотлари ўртасида ўзвий ҳамкорликдаги фаолиятни йўлга қўйиш.

3. Белгилансинки:

а) Университет Самарқанд давлат тиббиёт институтининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича **ҳуқуқий вориси ҳисобланади**;

б) Самарқанд давлат тиббиёт институтида таҳсил олаётган талабалар Университетда мос бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида **ўқшини давом эттиради** ҳамда битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда давлат намунасидаги **Университет дипломи берилди**;

в) Университет клиникалари, академик лицейи, Л.М.Исаев номидаги Микробиология, вирусология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот институти, Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази,

Иммунология, алергология ва инсон геномикаси илмий маркази ҳамда Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институтининг (кейинги ўринларда — Университет таркибий тузилмалари) **муассиси Университет ҳисобланади ва уларнинг фаолияти Университет томонидан мувофиқлаштирилади**;

г) Университет таркибий тузилмалари **давлат муассасалари** ҳисобланади ва шахсий газна ҳисобварақларига эга бўлади;

д) Университетнинг **таркибий тузилмалари раҳбарлари** Университет Кенгашининг тақдимномасига қўра **соғлиқни сақлаш вазири** томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан овоз этилади;

е) Самарқанд вилояти Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги **техникумлари** ва тиббиёт **коллежлари** (кейинги ўринларда — техникумлар ва коллежлар) Университетга бириктирилади.

Бунда, Университет:

техникумлар ва коллежлардаги **таълим ва амалиёт сифати учун бевосита масъул бўлиб**, уларда зарур моддий-техника, ўқув-методик базани яратадиган ва ўқув жараёнига таҳрибали мутахассисларни жалб этиб боради;

техникумлар ва коллежларда фаолият юритувчи ўқитувчиларга **илмий-методик жиҳатдан қўмақлашади**;

клиникалари техникумлар ва коллежлар учун **клиник база бўлиб** хизмат қилади;

кафедралари ўз йўналишида техникумлар ва коллежларга замонавий ўқитиш методикаси ва технологияларини ўргатади, **ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг билимини баҳолаб боради**.

4. Қуйидагилар:

**2022 — 2025 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт университети**ни комплекс ривожлантириш дастури 1-иловага мувофиқ;

**Самарқанд давлат тиббиёт университетини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари)** 2-иловага мувофиқ;

**Самарқанд давлат тиббиёт университети кафедраларини Самарқанд вилояти туман (шаҳар)лари**га бириктириш рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. **Университетга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин**:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда, академик лицейининг ўқув-методик жараёнини мувофиқлаштириш, унинг **тузилмасини, ўқув режалари ва дастурларини** ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, **қабул параметрлари** ва **таълим йўналишларини** белгилаш;

Университетда бакалавриятнинг битирувчи bosқич талабалари учун соғлиқни сақлаш тизими бирламчи бўлин муассасалари (кўп тармоқли марказий поликлиникалар, оилавий поликлиникалар, оилавий шифокор пунктлари) ҳамда клиник базаларда **6 ойлик малакавий амалиёт кўрнишидаги субординатурани жорий этиш**;

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Университет профессор-ўқитувчиларининг халқаро илмий-техник маълумотлар базалари (Scopus, Web of Science ва бошқалар) томонидан эътироф этилган юқори реитингли журналларда **илмий мақолалар чоп этиш сарф-харажатларини қоплаш**.

Белгилансинки, мазкур бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ кўшимча харажатлар **Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари** ҳисобидан қопланади.

6. **Университет клиникаларига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин**:

Университет ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда клиникаларнинг умумий ўринлар сони ҳамда амалдаги штат бирликлари доирасида **штатлар жадвалини** қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

**пуллик хизматлар кўрсатиш бўлинмаларини** ташкил этиш;

пуллик малака ошириш цикллари ва замонавий технологияларни ўзлаштириш бўйича **маҳорат дарсларини** ташкил этиш;

тиббий хизматларни кўрсатишдан тушган даромадлар доирасида ходимларнинг **меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш** микдорларини бажарилмаган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига қараб мустақил равишда белгилаш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

**Университетнинг ихтисослашган болалар хирургик клиникаси** 2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5199-сон қарориди белгиланган республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг фаолиятини юритиш **тартиби ва молиялаштириш механизми** асосида фаолият юритади;

Республика шoshiлиньч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилояти филиали янги бинога қўйрилиши муносабати билан ушбу филиалнинг бўшайдиган Самарқанд шаҳар, Маҳдуми Аъзам кўчаси, 18-уй манзилида жойлашган **биноси Университетга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилади** ҳамда мазкур бинода **Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази**, шунингдек, **Иммунология, алергология ва инсон геномикаси илмий маркази** текин фойдаланиши ҳуқуқи асосида жойлаштирилади.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги (А.М.Бобоев), Молия вазирлиги (А.Я.Хайдаров) ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.О.Турдимов) билан биргаликда 2024-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқарув инфратузилмасини ривожлантириш дастурида:

Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази ҳамда Иммунология, алергология ва инсон геномикаси илмий маркази жойлаштирилаётган Самарқанд шаҳри, Маҳдуми Аъзам кўчаси, 18-уй манзилидаги бинони капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун;

Университетнинг ихтисослашган болалар хирургик клиникаси ҳудудида ихтисослаштирилган эндоскопик консультив-диагностик ва даволаш бўлимини ташкил этиш, тегишли бино ва иншоотларни қуриш ҳамда замонавий эндоскопик диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун зарур маблағларни назарда тутиш.

9. Қуйидагилар:

а) **Университет фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин**:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) **Университет клиникалари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин**:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Университет клиникаларининг бюджетдан ташқари маблағлари; қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

в) **Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти, Л.М.Исаев номидаги Микробиология, вирусология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот институти** фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

мазкур институтларнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

г) **Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази ҳамда Иммунология, алергология ва инсон геномикаси илмий маркази** фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

мазкур ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш.Иноятлов), Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.О.Турдимов) **Университет ҳамда Университет таркибий тузилмаларининг профессор-ўқитувчилари ва ходимлари** иштирокида **ҳудуд**

**аҳолисининг** саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини юритиш бўйича **бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари**да (оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника, кўп тармоқли марказий поликлиника) ҳамда барча **қишлоқ ва маҳаллаларда жойига чиққан ҳолда хизмат кўрсатилишини таъминласин**. Бунда, қуйидагиларга эътибор қаратсин:

аҳолининг саломатлик ҳолатини, касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларининг тарқалганлик даражасини ўрганган ҳолда аҳолини хавф гуруҳларига таснифлаш;

хавф гуруҳларига қўра, уларга индивидуал маслаҳат бериш, кўриқ ва назоратни амалга ошириш, соғломлаштириш ва реабилитациянинг индивидуал чораларини белгилаш;

аҳоли орасида энг кўп тарқалган ва ўлимнинг асосий сабабчиси бўлган касалликларни эрта аниқлаш чораларини кўриш, мақсадли скрининг тадбирларини амалга ошириш;

аҳолининг саломатлик ҳолати, касалликни келтириб чиқарувчи хавф омилларининг тарқалганлик ҳолати ва касаллишни даражасидан келиб чиқиб, махсус электрон дастур асосида **“Саломатлик профили”**ни яратиш;

қишлоқ ва маҳаллаларда **“Саломатлик мактаби”** фаолиятини йўлга қўйиш, нафақадаги ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари, зиёлилар ҳамда ёшлардан иборат волонтерлик жамиятларини тузиш;

кўп тармоқли марказий поликлиникада **“Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи”** хоналарини ташкил қилиш, махсус тайёрғарилканд ўтган шифокор ва ҳамширалар томонидан аҳоли орасида тарғибот тадбирларини амалга ошириш, шунингдек, индивидуал маслаҳат бериш тизимини жорий қилиш;

барча бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида шифокор олди кўриқлари орқали ўрта тиббиёт ходимлари томонидан энг кўп учрайдиган касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларини аниқлаш, аҳолини антропометрик ўлчовлардан ўтказиш, 5 ёшгача болаларнинг ўсиши ва ривожланиш мониторингини олиб бориш каби вазифаларнинг мустақил бажарилишини таъминлаш;

юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзи асослари бўйича тиббиёт бригадаси вакилларининг амалий ва назарий билимларини ошириш; аҳоли орасида тўғри овқатланиш асослари, касалликлар профилактикаси, жимсоний фаоллик, шахсий ва жамоат гигиенаси, кун тартибининг тўғри ташкиллаштириш ва зарарли оdatлардан воз кечиш бўйича тарғиботнинг замонавий услубларини (акция, спорт мусобақалари, танлов, флешмоб) амалиётга жорий қилиш ва оммалаштириш чораларини кўриш.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш.Иноятлов) **2022 йил 1 декабр**га қадар Самарқанд вилояти таҳрибасининг натижаларидан келиб чиқиб, уни бошқа **тиббиёт олий таълим муассасаларида ҳам татбиқ қилиш бўйича таклиф киритсин**.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Ушбу қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев, Самарқанд вилояти ҳокими Э.О.Турдимов, соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х.Тошқулов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2022 йил 1 апрель

**ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ ИМЗОЛАНДИ**

1 Парламентларо ҳамкорлик изчил ривожланаётганлиги, икки давлат қонун чиқарувчи органларида дўстлик гуруҳлари самарали фаолият кўрсатаётгани эътиборга молик. Айни чоғда юқори даражадаги икки томонлама келишувларнинг амалга оширилишини таъминлаш, шу жумладан, парламентларнинг с



Сенатор ва ҳаёт

УЧРАШУВЛАР АСНОСИДА МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛМОҚДА

Шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари жойларда бўлиб, турли тадбирлар ўтказаятгани, аҳоли билан учрашувлар асносида муаммоларни ҳал этиш чораларини кўраётганидан хабарингиз бор.

Кунчи кеча Қибрай туманида Сенатнинг Муҳофизат ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурҳонов, Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси М. Қодиржонов ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши котибияти мудир А. Анаров иштирокида фуқаролар қабули ўтказилди.

Унда вилоятнинг турли туман ва шаҳарларидан келган 20 дан зиёд фуқароларнинг ер олиш, кам миқдорда тайинланган нафақа ҳақи миқдорини ошириш, иш жойи билан таъминлаш, банк-кредит тўловлари, уй-жой, субсидия, кўчмас мулк ва бошқа масалалар билан боғлиқ мурожаатлари кўриб чиқилди.

Хусусан, олий маълумотли юрист-журналист Дилфуза Жўраева мутахассислигига мос иш сўраб мурожаат қилгани боис унга Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасида танлов асосида ишга қабул жараёни ўтаётганлиги тўғрисида қўмитанинг мурожаат этиши юзасидан маслаҳат берилди.

Олмалик кон-металлургия комбинатида ишга жойлаштириш ва фарзанди соғлигини тиклаш учун бир миллион сўм моддий ёрдам сўраган фуқаро Райҳон Маматова-нинг мурожаати эса жойида ҳал этилиб, аёлга дастлаб моддий ёрдам берилиши маълум қилинди.

Бундан ташқари, Янгийўл туманида истиқомат қилувчи Мастура Фағружонова ногиронлиги бор қиз Мастура Сотимовага субсидия асосида 3 хонали уй ажратилиб, ун тўққиз миллион сўм тўлаб берилгани, лекин ҳозирги кунда 2 хонали битмаган уй берилмаётганидан норози бўлиб мурожаат қилди. Ижарада ногиронлиги бор қиз ва унинг 3 нафар фарзанди билан яшайётгани инобатга олиниб, масала тез кунда ҳал этилиши айтилди.

Бошқа мурожаатлар юзасидан ҳам зарур тушунтиришлар берилди.

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология

«Халқ сўзи».

қўмитаси раиси Б. Алиханов Нукус туманида халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, секторлар раҳбарлари, туман ҳокимлиги раҳбарияти ва масъуллари иштирокида ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Сенатининг йиғирма тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва бошқа масалалар ҳақида сўзлаб берди.

Қайд этилганидек, жамият тарраққиети, мамлакат ривожини устуворлиги билан қафолатланди. Ҳар қандай вазиятда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий барқарорлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ёш авлод таълим-тарбиясига янада жиддий эътибор қаратиш муҳим вазифалардан саналади.

Сенатор парламент юқори палатасининг йиғирма тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида тўхтади. Шунингдек, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, муаммоларни жойида ҳал этиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун ва моҳиятини жамоатчиликка етказиш, аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига уруғ берилди. «Яшил макон» умумиллий лойиҳасининг ижроси юзасидан ҳам фикр юритилди.

Тадбир туман фаоллари ва кенг жамоатчилик иштирокидаги «Яшил макон» умумиллий лойиҳаси доирасида дахлат қўчалари ўтказиш акциясига улашиб кетди.

Шундан сўн сенатор бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари туман тиббиёт бirlашмасига қарашли марказий шифохонада бўлиб, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Эътиборлиси, ўтган йил охирида фойдаланишга топширилган бу муассасада бугун жароҳлиқ амалиётлари ҳам ўтказилмоқда. Бемор ва шифокорлар билан бўлган сўхбатларда улар яратилган шароитлардан мамнун эканликларини билдирди.

АҲОЛИНИ МУНОСИБ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Э. Муҳитдиновнинг "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг бажарилиши борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Йиғилишда депутатлар, Вазирлар Маҳкамаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг масъул ходимлари, экспертлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, самарали бандликни ошириш ҳамда эркаклар ва хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш асосида барқарор ва умумқамровли иқтисодий ўсишга қўмаклашиш — Барқарор ривожланиш мақсадларининг 8-мақсади ҳисобланади.

Тадбирда маърузачи томонидан айнан ушбу мақсадга эришиш йўли қўйилган ишлар, жумладан, меҳнат бозорига фаол чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусий мулкни муҳофаза қилиш, кичик ва

йирик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали аҳолини, айниқса, ёшлар, ногиронлиги бўлган шахсларни муносиб иш билан таъминлаш, самарали бандликни кенгайтириш борасидаги ишлар тўғрисида баърилади.

Ахборотда келтирилганидек, 2022 йил 1 январь ҳолатига меҳнат ресурслари сони 19 345,0 минг кишини ташкил этиб, 2021 йилнинг шу давридагига нисбатан 101,1 фоиз ёки 202,6 минг кишига ошган. Иқтисодий тармоқларида банд бўлганлар сони 13 538,9 минг кишига етган. Республика иқтисодиётининг жадал ривожланиши ва мақсадли курсаткичларга эришиш бўйича дастур вазифаларини бажариш учун 2030 йилга келиб иш билан банд бўлганлар сони 16,7 миллион

бўйича) бир қатор ишлар амалга оширилди. Илгари давлат томонидан меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг қўнғилиқ эҳтиёжлари ва орзу-умидларини тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, мамлакат ҳудудига ҳам, унинг ташқарисига ҳам ишончли ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қафолатлари бўлмаган. Сўнгги тўрт йил давомида ташкиллаштирилган, уюшган ва ҳавфсиз миграцияни таъминлаш, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш мақсадида 10 дан ортиқ қонун ва қарорлар қабул қилиниб, мамлакатимиз ташқарисига ишлаётган ҳар бир фуқаронинг қўнғилиқ манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб иш шароитларини таъминлашга қаратилган тизим яратилаётгани алоҳида қайд этилди.

Ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги қонунчиликни тизимлаштириш ва халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш мақсадида "Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилди. Қайд этилганидек, соҳада олиб

борилган ижобий ишлар билан бирга, ишчи-ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш ва улар учун ҳавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш йўналишида қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Жумладан, 2021 йил давомида меҳнат, бандлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 27 минг 471 та корхонада 52 минг 530 та қўнғилиқли ҳолати аниқланган, ушбу қўнғилиқлиларни бартараф қилиш бўйича жарималар қўлланилган. Депутатлар шу йўналишда айнан Давлат меҳнат инспекцияси фаолияти самарадорлигини ошириш чораларини кўриш зарурлигини таъкидладилар.

Муҳокамалар жараёнида депутатлар Муносиб меҳнат дастурига асосан, шартнома тузмай ишлаш, иш ҳақининг текширилиши, санитария ва гигиена талабларига жавоб берайдиган иш шароитлари каби энг кўп учраётган меҳнат қонунчилиги бузилишларининг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўриш, норасмий иқтисодиётда ишлаётган ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда норасмий бандлик улушини камайтириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар берди.

Савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ФАОЛИЯТГА ҚАЙ ДАРАЖАДА ЖАЛБ ЭТИЛЯПТИ?

Қуйи палатанинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси "Олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талаба ва магистрантларни илмий тадқиқот жараёнларида жалб этиш, уларга тегишли шарт-шароитлар яратиш бўйича олиб борилаётган тизимли ислохотлар" мавзусида семинар ўтказди.

Семинар

Унда парламент қуйи палатаси депутатлари, Тошкент давлат техника университетининг профессор-ўқитувчилари, талаба ёшлар ва журналистлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида талаба ёшларни ўз устида мунтазам ишлаш ва илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланиши, истеъдодларини намойиш этиши ва иқтисодий қобилиятларини ривожлантириш, билимини ва иқтисодий ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилди.

Олий таълим соҳасидаги

дастлабки ислохотлар, аввало, қамровни ошириш, институт ва университетларнинг илмий салоҳиятини яхшилаш, профессор-ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлашга қаратилди. Бу катта ижобий ўзгаришларга олиб келди, ёшларнинг олий таълим олишига кенг шaroит яратди.

Семинарда бугунги кунда юртимизда олий таълим муассасалари сони 158 тага етгани, олий таълимга қабул квотаси уч баробар оширилгани, айни вақтда мамлакатимиз таълим тизимидаги туб ижобий бурилишлар халқаро ташкилотлар томонидан эътибор этилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, олий таълим

фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида ижтимоий соҳа, хусусан, таълим ва илм-фан соҳаларини тақомиллаштириш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилганини ургулди.

Семинар давомида депутатлар Тошкент давлат техника университетида тахсил олаётган талаба ва магистрантларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича яратилган шароитлар билан қизиқди.

Шунингдек, илм-фан билан шуғулланишга қизиқувчи ёшлар ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлиги даражаси, Ахборот-ресурс марказида илмий-методик бўлим хоналарининг мавжудлиги ва бошқа илмий-методик манбалар билан танишилди.

«Халқ сўзи».

Фикр

ИҚТИСОДИЁТДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИ ҚИСКАРАДИ

Мамлакатимизда қўлай инвестициявий муҳит яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қўнғилиқ манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий секторни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат активларини шаффоф ҳолда хусусийлаштириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу йил 18 март кунини давлатимиз раҳбарининг "Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатда фойдаланилмай турган ёки самарасиз фойдаланилаётган бўлиб қолган шаффоф ҳолда хусусийлаштириш жараёнини тезлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилган. Унга қўра, Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларининг, вазирлик, идора ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг давлат активларини бошқариш йўналишидаги асосий вазифаларидан бири этиб, бўш турган, самарасиз фойдаланилаётган ҳамда асосий фаолият соҳасида тааллуқли бўлмаган активларни аниқлаш бўйича хатлов ишларини муттасил амалга ошириш ва улардан самарали фойдаланиш чораларини кўриш белгиланди.

Қарорда маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари зиммасига ҳам бу борада масъулиятли вазифа юқланди. Уларга ўз ҳудудларида бўш турган бино ва ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш учун буюртма бериш имконияти яратилди.

Хусусан, қарорда белгиланганидек, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчилари томонидан ўз ҳудудларида бўш турган, майдони 2 минг квадрат метргача бўлган давлат кўчмас мулк объекти ёки ер участкалари аниқланганда ҳоким ёрдамчиларининг онлайн-буюртмаомасига асосан Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилади.

Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратадиган бўлса, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарашли бўлган, уч ойдан ортиқ фойдаланилмагандан бўш турган объект (ижтимоий объектлар бундан мустасно) агентлик томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ уларнинг розилиги билан ижарага бериш ёки сотиш учун савдога чиқарилади.

Бундан кўриниб турибдики, бўш турган ва самарасиз фойдаланилаётган давлат активлари ҳамда ер участкаларини хусусийлаштиришда қарорнинг аҳамияти жуда катта. Мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясида Тараққиёт стратегиясига қадам қўяётган эканмиз, иқтисодиётнинг бирор-бир бўғини эътибордан четда қолиши мумкин эмас.

Зотан, мамлакатимиз иқтисодиёти раёнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.

Ҳазратқул ХЎЖАМҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ВАЛИЙСИФАТ ОЛИМ ЭДИ

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби, академик Ботирхон Валихўжаев ҳақида ўйлаганимда кўз олдимда фариштасифат, одамийлик ва олимликни ўзида муқаммаллаштирган инсон гавдаланади. Домла билан бирга ишлаш, сўхбатлашиш, яқин ҳамкорлик қилиш бахтига муяссар бўлганимдан фахрланиб юрман. Ва ҳалоллик, камтаринлик, меҳр-оқибат нима эканлигини билмоқчи, англомоқчи бўлганлар Ботирхон Валихўжаев сиймосини кўз олдларига келтириши керак, деб ҳисоблайман.



кин домла бу ҳақда бирор жойда гапирмас, ўзи тўғрисида фикр юритишга, ҳатто юбилейини ўтказишга ҳам йўл қўймади.

Амин бўлганам: манфаат нималигини билмаслик, ўзига ортиқча баҳо бермаслик, ўз ишидан қониқмаслик, ўзгаларда йўқ бўлган хислатларини уларга нисбат бериш, сабр-тоқат, ҳақиқий тасаввуфна ҳаёт соҳиби эди. Домла устозларига, шогирдларига чексиз эҳтиром кўрсатарди. Лекин ўзига ғамхўрлик қилишларига ҳеч қачон йўл қўймади.

Ҳаёт экан, раҳбарлик лавозимларида ишлаш давомида ўнвоқ, орден, медаль, мансаб талашганларни кўп кўрдим. Юбилейини ўтказиб беришимизни сўраганларга гувоҳ бўлдим. Лекин Ботирхон Валихўжаевдан "Бизга нима хизмат бор?" деб сўралганда, китобларини нашр этишимизни илтимос қилган эди...

Олимлик чин маънода, фидойилик, ўзини бахш этиш, ўзини англаб етиш эканлиги Ботирхон Валихўжаевнинг ҳаёти ва илмий фаолияти мисолида яққол кўринади. Домланинг энг улкан тадқиқотларидан бири бу, шубҳасиз, "Самарқандда олий таълим — мадрасаи олия, университет тарихидан лавҳалар" асаридир. Мазкур тадқиқот жаҳон олий таълим тарихига оид улкан ҳақиқатларни, қимматли маълумотларни тадқиқ этгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу асарининг 2003 йилда Истанбулда чоп этилиши маънавий-маърифий ҳаётимизда энг улуғ воқеалардан бири бўлган эди. Камина ушбу асар эътилошида, чоп этилишида қатнашганимдан, гарчи нокам-

Навоий тимсолида ўзбек ва тожик халқлари дўстлигига ҳайкал қўйганди.

Ботирхон Валихўжаев бир пайтлар Садриддин Айний, Абдураҳмон Саъдий, Воҳид Абдулла томонидан асос солинган Ўзбек адабиёти тарихининг Самарқанд мактаби салоҳиятини бутун жаҳонга намойиш этди.

Илмнинг ҳам бир қатор йўллари борлигини инкор этмаслигимиз керак: фан доктори, фан номзоди ёки профессор бўлиш бу олимлик мартабасига эришиш, дегани эмас. Афсуски, ёзилган диссертациялар, чиқарилган китобларнинг барчаси ҳам академик илм талабларига жавоб беравермайди. Ботирхон Валихўжаев бу борада ҳам мамлакатимиз олимларига ўрнак, намуна бўладиган аллома эди. У киши томонидан ёзилган мақолалар, монографиялар, бажарилган илмий тадқиқотлар ўта залварли. Улар, асосан, фаннинг учун янглик, кашфиёт эди. Ле-

Илм-фан фидойилари

Умримнинг эллик йили олий таълим даргоҳларида ўтган бўлса, Ботирхон Валихўжаевдай фидойи, ҳокисор, бағрикенг, ҳассос инсонни ҳам, олимни ҳам бошқа кўрмадим, дессам, муболага бўлмади. Домла мансаб, шон-шуврат тушуналаридан жуда жуда йироқ эди. У киши ниҳоятда вақтини қизганар, шу боис беҳуда ишлардан ўзини олиб қочарди. Имкони борича умрининг ҳар бир дақиқасини илм-фан ва таълимга бағишларди. Энг асосийси, домла ҳақида бирон жойда, бирорта инсондан салбий фикр эшитмаганмиз. На касбдошларига, на маҳалладошларига ва на оила аъзоларига бирор марта балан овозда гапирганини ҳеч ким эслолмайдди.

Ботирхон Валихўжаев нафақат катта олим, балки туман маънодаги педагог ҳам эди. У киши Самарқанд давлат университетидagi фаолияти давомида ҳалоллик тимсолига айланганди. Ниҳоятда оддий яшаши, ўта содда қуриб-туриши, таъбир жоиз бўлса, ҳатто чумолига ҳам озор бермаслик учун эҳтиёт бўлиб қаддам ташлаши ибрат мактабидир. Олимдан ҳашаматли иморатлар, мол-дунё қолгани йўқ. Яқини ном қолди, улкан маънавий мерос қолди.

Домла бутун умрини ўзбек адабиёти тарихини тадқиқ этишга бағишлади. Аниқроқ қилиб айтганда, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хожа Аҳрор Валий ҳақидаги бебаҳо асарлари бугунги кунда миллат мулкига айланган. Олимнинг асарлари, илмий тадқиқотлари нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё, балки бутун дунёда маълум машҳур эди.

Баъзан ўйлаб қоламан: қани энди ҳамма олимлар ҳам Ботирхон Валихўжаевдай бўлса. Домладай ўз халқини севса, Ватанини, миллатини, аجدодларини, тарихини ўрганса. Ушбу изланишлар натижаларини жилд-жилд китобларга жойласа! Назаримда, умр қадрини, вақт қадрини ҳеч ким ушбу аллома даражасида англаб етмаган. Домла нафақат ўзбек, балки тожик адабиётининг ҳам ҳақиқий билимдони эди. Халқларимиз дўстлиги ҳақида балки минбарларда жўшиб гапирмагандир, лекин Абдураҳмон Жомий ва Алишер

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуринда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 31 369 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Таҳририятга келган қўёмалар тақрир қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади. Газетанинг полиграфик аҳдатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров. Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турун кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 01.50 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5 6